

## ЖАМИЯТДАН АЖРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Муаллиф – Маъмуров Санжарбек Илхомович**

*Наманган вилоят прокурорининг ёрдамчиси*

*адлия кичик маслаҳатчиси*

*(Тошкент давлат юридик университети*

*12.00.08 – “Жиноят ҳуқуқи. Криминалогия.*

*Жиноят – ижроия ҳуқуқи” ихтисослиги бўйича*

*мустақил изланувчи)*

**Аннотация:** Мазкур мақола жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар тизимининг ҳуқуқий асосларини, унинг ижтимоий аҳамиятини ва амалда қўлланиш хусусиятларини таҳлил қилишга қаратилган. Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар – бу шахснинг жамият билан боғланишини сақлаб қолган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини чеклаш ёки муайян тартибларни бажаришга мажбурлашга асосланган жазо турларидир.

Ушбу ишда, жазоларнинг ушбу турининг асосий хусусиятлари ва афзалликлари очиқ берилди.

Аннотациянинг асосий хулосаси шундан иборатки, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар тизими жамият барқарорлигини сақлаб қолиш, жиноятчиларни ижтимоийлаштириш ва қайта тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу тизимнинг ривожланиши жиноий ҳуқуқни гуманизация қилишнинг муҳим омилidir.

**Калит сўзлар:** жамиятдан ажратиш, жиноий жазолар, жамият билан боғлиқ жазолар, ижтимоийлаштириш, қонунчилик, халқаро тажриба.

**Жазо бу** - жиноят содир этишда айбли деб топилган ҳар қандай шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан тайинланадиган, ҳуқуқбузарлик содир қилишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланиладиган

маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурлов чорасидир. Жазо қонунчиликда ҳуқуқий тартибот сифатида давлат ва ҳуқуқ, шунингдек, бундай ҳуқуқни қўллаш ваколати бўлган махсус органлар вужудга келган вақтдан бошлаб пайдо бўлган.

Жиноий жазо ижтимоий адолатни тиклаш, жиноят содир этган шахсни ҳар томонлама ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноий фаолият давом эттиришига тўсқинлик қилиш, янги ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, жазолар **интизомий, маъмурий ва жиноий** бўлиши мумкин. Манашу жазолардан қайси бири қўлланмасин, ҳуқуқ оқибат содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан қонун ва норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда маънавий, моддий ёки жисмоний ҳарактердаги чеклов қўлланилади.

Жиноий жазолар давлат мажбурловининг кескин тузилиши ҳисобланиб, унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Ушбу зарурият “ҳуқуқ – манфаатлар қўриқчиси” - деган тушунчадан келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари тақиқлаш ҳамда талаб қилиш, муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жоизлигини кўрсатиш орқали ҳуқуқий неъматларни ҳимоя қилади. Ўз қоидалари ва тартибларига жамиятда яшовчи фуқаролар бўйсунлигини таъминлаш учун ҳуқуқнинг кучга эҳтиёжи бўлади. Унга эса кучни давлат ҳокимияти беради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқ талаблари ва тақиқларини одил судлов тартибида жазолаш чора-тадбирлари орқали амалга ошириладиган жиноят-ҳуқуқий нормаларга айлантиради<sup>1</sup>.

Жиноий жазолар муайян тарбиявий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажаради, яъни жиноий жазо, биринчидан, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган ёки этувчи шахсларга нисбатан тайинланади; иккинчидан, жазони ўтаб

---

<sup>1</sup> Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Турон-икбол, 2005. – Б. 6.

келаётган шахсни жамиятда содир бўлаётган ҳолатларнинг онгли ва фаол иштирокчисига айлантириш мақсадини ифодалайди; учинчидан, ижтимоий хавфли қилмишларнинг қонунга мувофиқ маълум бир жазолар тайинлаш билан боғлиқ жиноий қилмишлар деб топилиши ҳамда ушбу жазоларнинг амалда тадбиқ этилишини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга ижобий, яъни улар томонидан ҳуқуқий-тартибот қоидаларига риоя этилиши йўналишида таъсир кўрсатишини назарда тутлади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида жиноят учун жазонинг муқобил турлари тушунчасига таъриф берилмаган. Ушбу институтни тавсифлашга киришишдан аввал юқорида зикр этилган тушунчанинг семантик асосларини ўрганиш ва унинг асосий белгиларини аниқлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фанда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар деганда “жиноятни содир этишда айбдор шахсга мажбурий таъсир кўрсатишдан иборат бўлган, жамиятдан ажратишни назардатутмайдиган, лекин қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ уни мос келадиган бошқа жазо билан алмаштиришга қаратилган, ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш умумий ва махсус чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадларини кўзлайдиган давлат мажбурлови чоралари”ни<sup>2</sup> тушуниш одат тусини олган.

Мазкур атама шу каби жазоларни кундалик муомалада, публицистикада, ҳатто илмий адабиётларда таърифлаш учун мос келади.

Аммо, ушбу жазоларни расмийдаражада тавсифлаш учун у тўғри келмайди, чунки бизда ягона жазолар тизими риоя қилади ва шу маънода бошқа, яъни “муқобил” жазолар мавжуд эмас. Мазкур тушунча тегишли ҳодисанинг моҳиятини эмас, балки озодликдан маҳрум қилишдан универсал

---

<sup>2</sup> Дворянсков И.В., Сергеева В.В., Баталин Д.Е. Применение альтернативных наказаний в Западной Европе, США и России: сравнительно-правовое исследование. – М., 2004. – С. 10.

жазолаш воситаси сифатида фойдаланишга нисбатан одамларнинг рухий муносабатини намаён эттиради. Муқобиллик тамойили дастлаб, формал мантиқда икки ҳукмдан бирини танлаш ёки улардан битта хулоса чиқаришда қўлланилган. Ижтимоий соҳада муқобиллик рақобат, зиддият ҳолатини вужудга келтириш, кишиларда икки ёки бир нечта имкониятдан бирини танлаш имкониятини яратишда ишлатилади<sup>3</sup>. Бошқача айтганда, бир-бирини истисно қилиувчи имкониятлардан бирини танлаш лозимлигини билдиради. Чет эллик баъзи бир тадқиқотчилар “муқобил” тушунчасини бир қатор жиноят-сиёсий ҳолатларга татбиқан кенг маънода: ё умуман “жиноий юрисдикцияга муқобиллар” сифатида, ёки “жиноят-ҳуқуқий тизимига муқобиллар” сифатида қўллайдилар<sup>4</sup>.

Муқобил жазоларни жорий этиш муаммосини қўйиш уларнинг ижтимоий заруратини таҳлил этиш ва уларни қўллашдан кутилаётган ижтимоий самарани топишни назарда тутаяди.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фойдасига келтириладиган асосий далиллар қуйидагилардан иборат:

1) озодликдан маҳрум қилиш билан солиштирганда, улар янада инсоний хусусият касб этади;

2) қайта ижтимоийлашув учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратиш ҳисобига махсус превенция мақсадига янада фойдали эришиш имконини беради;

3) озодликдан маҳрум қилишни ижро этишга нисбатан ўта тежамкорлиги билан тавсифланади.

Айнан шу сабабли ҳамда жиноят қонунидаги инсонпарварлик ва одиллик принципларидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда жиноятсодир этган шахсни

---

<sup>3</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 203.

<sup>4</sup> Cisse A. *Justicetransactionnelleetjusticepenale // Revuedesciencecriminelleetdedroitpenalcompare*, 2001. №3. – P. 511.

жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазодан кўзланган мақсадга эришиш имкониятлари хусусида турли хилдаги баҳс ва музокараларвужудга келмоқда. Ушбу масалада М.Х.Рустамбоев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраровлар сўнгги йилларда ЖКга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар хусусида ўз фикрларини билдириб, жиноят содир этган шахсни *жамиятдан ажратмаган* ҳолда қайта тарбиялаш имконияти сифатида иқтисодий соҳага тегишли жазо чораларини қўллаш доираси кенгайтирилди<sup>5</sup>, деб фикр билдиришган.

Қ.Пайзуллаев, Н.Салаев ва Б.Бобокелдиевлар жазони қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келишган:

1) ҳуқуқий жиҳати ва жазоловчи таъсири ҳажмига кўра – озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган жазоларга;

2) юридик мазмунига кўра – таъсирчан тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жазоларга;

3) тайинлаш тартиби ҳамда юридик аҳамиятига кўра – асосий ва қўшимчажазол<sup>6</sup>. Д.Фозилов ва О.Қурбоновлар ҳам маҳкумларнинг озодлигини чекловчи жазоларни алоҳида қайд этиб ўтади<sup>7</sup>.

Шу ўринда, “жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар” ва “озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар” тушунчалари айнан бирхил мазмунга эгами, деган ўринли савол туғилади. Бу борада соҳа мутахассислари ўртасида турлича фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Чет эл фанида жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган қилмишларга қўлланиладиган чораларнинг озодликдан маҳрум қилиш билан

---

<sup>5</sup> Рустамбоев М.Х., Абдурасулова Қ.Р., Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 38.

<sup>6</sup> Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Турон-икбол, 2005. – Б. 14.

<sup>7</sup> Фозилов Д., Қурбонов О. Жиноят ҳуқуқида жазо тизимини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 15.

боғлиқ бўлмаган барча турларини жиноят ҳуқуқида муқобиллар сифатида эътироф этиш одат тусини олган<sup>8</sup>.

Бизнинг фикримизда, “жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиний жазолар” тушунчасига нисбатан “озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолар” тушунчаси анча тор бўлиб, бу гуруҳга жиноят-ҳуқуқий норма санкциясида белгиланган ва озодликдан маҳрум қилиш ўрнига қўлланилиши мумкин бўлган жазоларни киритиш лозимлигини назарда тутди.

И.В.Дворянсков жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни муқобил жазолар жумласига киритиш мезонлари орасида қуйидагиларни фарқлайди:

- маҳкумга таъсир ўтказишнинг жамиятдан ажратишдан бошқа воситаси;
- асосий жазо мақомига эгалик (бу ерда айнан жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазолар ўрнига қўлланилиши мумкин бўлган жазолар назарда тутилади)<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қонуний кучга кирган ва озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор жазоларни мустаҳкамлаган ЖК янги жиноят қонунчилиги сиёсатининг норматив базасига айланди. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бундай жазолар қаторига қуйидагилар киради:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;
- г) ахлоқ тузатиш ишлари;
- д) хизмат бўйича чеклаш.

Шундай қилиб, инсонпарварлик умумҳуқуқий принципига амал қилувчи мамлакатларнинг аксариятида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ

---

<sup>8</sup>Кароли Барт. Альтернативны меры уголовного наказания. // Альтернативы тюремному заключению в Республике Казахстан: Материалы международной конференции. – PRI, 2000. – С. 67.

<sup>9</sup>Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. – М., 2005. – С. 17.

бўлмаган жазо турларини топиш ҳамда ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш йўлида изланишлар жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Жамоатчилик фикри ва давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатини бундай қайта қуриш асосий ғояси озодликдан маҳрум қилишга муқобил турли жиноят-ҳуқуқий чоралар тизимини шакиллантиришдан иборат эди<sup>10</sup>.

Шу билан бир вақтда, жиноят ҳуқуқи фанида жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг муқобиллиги нимадан иборат деган саволга жавоб берадиган ягона тушунча ҳозиргача мавжуд эмас. Кўриб чиқиладиган жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар тизими жиноят ҳуқуқи тармоғида қандай ўрин эгаллайди, деган саволга ҳам ҳанузгача аниқ жавоб берилгани йўқ.

Кўп ҳолларда жиноят учун жазоларнинг ушбу турлари ижтимоий муҳимлик, жиноятчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан, маҳкумнинг қайта ижтимоийлашувига улар қандай таъсир этишидан келиб чиқиб ўрганилади. Жиноят ҳуқуқи мазкур институтининг ҳуқуқий жиҳатлари эса, ҳозирги вақтда жиноят учун жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар турлари дунёда кенг тарқалганига қарамай, ҳанузгача яхши ўрганилгани йўқ.

Ўз вақтида, XVIII–XIX асрлар ўрасида, маърифат даври фалсафаси таъсирида озодликдан маҳрум қилишнинг ўзи ҳам оғир ва ғайриинсоний жазолар, хусусан ўлим жазоси ҳамда тан жазоларининг ҳар хил турларига нисбатан муқобил жазо сифатида қаралган. Аммо XIX асрдаёқ озодликдан маҳрум этиш ўзининг асосий вазифаси – маҳкумларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ахлоқан тузатишни ҳал этишга қодир эмаслиги учун хуружга йўлиқа бошлаган<sup>11</sup>.

**Биринчи сабаб** – озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарадорлиги даражасининг пастлиги. Шунини таъкидлаш лозимки, охириги ўн йилликлар

---

<sup>10</sup>Сесар К. Карательное отношение общества: реальность и миф. // Правоведение. 1998. № 4. – С. 171.

<sup>11</sup> Kalmhout A.M., Tak P.J.P. Sanctionis-System in the member-states of the Council of Europe.PartI. 1988. – P. 2.

давомида рецидив жинойтчилик кўлами сезиларли даражада ошди ва бу мавжуд суд ҳамда жинойт-ижроия сиёсати самарали эмаслигининг бевосита далили ҳисобланади. Криминолог олимларнинг таҳлилларига кўра, ислоҳотлар даври рецидивистлар жинойт фаоллигининг ўсиши, уларнинг орасида ўта хавфли рецидивистлар миқдорининг кўпайиши билан тавсифланади. Рецидивнинг кўп карралилиги ўсиши билан рецидивистлар жинойтчилигининг фаоллик даражаси ҳам ортиб борди, ахлоқ тузатиш муассасаларидан озодликка чиққандан сўнг биринчи йил давомида жинойтлар содир этган рецидивистлар сони кўпайди<sup>12</sup>. Келтирилган статистика ахлоқ тузатиш ва махсус превенция мақсадларига эришиш фоизи қуйилигидан далолат беради.

А.В.Андреев фикрига кўра, жинойт учун тайинланган жазонинг самарадорлиги даражасини ижтимоий мақсад (мақсадлар) ва ҳозирги вақтда эришилган ижобий натижа ўртасидаги тафовутнинг қонунга мувофиқ, тежамкорлик билан ва оқилона сарфланган маблағларга нисбати сифатида аниқлаш мумкин<sup>13</sup>. Айни вақтда, ушбу мақсадлар доираси, одатда, норматив белгиланган ҳажм билан чекланади.

Айрим муаллифлар фикрига кўра, аҳолининг муайян ижтимоий хавфли қилмишлар учун белгилаб қўйилган жинойт-ҳуқуқий таъсир чораларига бўлган муносабатига ҳам жинойт-ҳуқуқий воситалар билан қўриқланадиган ижтимоий бойликларнинг қиммати, ҳам жинойт тажовузлар натижасида уларга таҳдид солиши мумкин бўлган хавфнинг аниқ ва равшанлиги сезиларли даражада таъсир кўрсатади<sup>14</sup>.

Жазонинг самарадорлигига таъсир этадиган асосий омиллар орасида қуйидагилар алоҳида ўрин эгаллайди:

1) жинойт-ҳуқуқий таъсирнинг мазмуни ва механизми;

---

<sup>12</sup> Криминология. Под ред. А.И.Долговой. – М., 1997. – С. 735.

<sup>13</sup> Андреев А.В. Критерии, показатели и условия эффективности применения санкций. // Проблемы совершенствования исполнения уголовных наказаний. – Рязань, 1993. – С. 169.

<sup>14</sup> Носкова Н.А. Общественное мнение и эффективность мер воздействия, предусмотренных уголовным законодательством. // Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1998. – С. 125.



- 2) жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш шарт шароитлари;
- 3) қайта ижтимоийлашув ва постпенитенциар мослашув имкониятлари.

Кўп йиллик амалиёт озодликдан маҳрум этиш учала кўрсаткич бўйича ҳам ижтимоий мўлжалларни қаноатлантормаслигини намоён этди. Бизнингча, бу қуйидаги сабаблар билан изоҳланади.

Ҳар қандай жазо жазолаш ва ахлоқ тузатиш унсурларидан таркиб топади. Кўпгина машҳур мутахассислар (А.А.Пионтковский, Н.А.Беляев, А.В.Наумов, Б.С.Утевский, Б.С.Никифоров, С.В.Полубинская) фикрларига кўра, жазолаш жазонинг мазмунинигина эмас, балки моҳияти, унинг муқаррар қўшимча самараси ҳисобланади.

Жазолаш унсурларининг тарбиявий томони ҳам йўқ эмас, деган фикрларга<sup>15</sup> қўшилиш қийин. Акс ҳолда жазо қанчалик оғир бўлса, унинг тарбиявий самараси шунчалик баланд бўлишини тан олишимизга тўғри келар эди. Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазо чораларига келсак, уларнинг жазолаш имкониятлари ахлоқ тузатиш имкониятларидан анча устун туради ва бу жазони ўташ шароитларининг оғирлиги, умумфуқаролик ҳуқуқлари доирасининг сезиларли даражада торайиши, ўз қобилиятларини, шу жумладан касбий салоҳиятини намоён этиши учун имкониятларнинг торайиши билан белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилиш режими жазолаш механизмининг асосий унсури – бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриши ва ўз вақти, қобилиятлари ва имкониятларини тасарруф этиш эркинлигидан маҳрум қилиш билан ифодаланади. Ушбу режим маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташи жараёнида унинг бутун ҳаёти ва фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Бошқа ҳар қандай жазо каби, озодликдан маҳрум қилишнинг мазмуни ҳам унинг объекти, яъни жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилаётган шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми билан белгиланади.

---

<sup>15</sup> Стручков Н.А. Уголовная ответственность и ее реализация в борьбе с преступностью. – Саратов, 1998. – С. 59.

И.В.Дворянсков айтиб ўтганидек, кўриб чиқилаётган жазо тури маҳкумни унинг шахсий ҳуқуқларидан айниқса кенг маҳрум қилиш билан тавсифланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, озодликдан маҳрум қилиш унинг ҳуқуқий мақомини уч йўналишда сезиларли даражада ўзгартириб юборади:

1) жазони ўташ вақтида айрим ҳуқуқлар ва эркинликлардан инсон бутунлай маҳрум қилинади (масалан, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга эркин кўчиб юриш ва ўзигаўзи хўжайинлик қилиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқлари, яшаш жойини танлаш ҳуқуқидан)<sup>16</sup>;

2) озодликдан маҳрум қилинган шахснинг айрим ҳуқуқлари тўлиқ чекланади (масалан, шахсий дахлсизлик, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий сир, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқлари);

3) Ваниҳоят, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсга хулқ-атвор қоидалари билан белгиланадиган алоҳида ҳуқуқлар берилади ва мажбуриятларюклатилади (масалан, маиший, турар жой ва хизмат бинолари ҳамда иш жойларини тоза сақлаш, ўрин-тўшакларни белгиланган андозага мувофиқ тахлаб қўйиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, ахлоқ тузатиш муассасаси объектларининг кўриқлаш чизиқларини бузмаслик ва ш.к.)<sup>17</sup>.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг оғирлик даражаси жазо тушунчасининг мазмунига бевосита кирмайдиган бошқа ҳолатлар билан ҳам белгиланади. Улар қаторига, жумладан, маҳкум кўникмаган алоҳида иқлим шароитларини, жазони ижро этиш муассасаси унинг доимий яшаш жойидан узоқда жойлашганини киритиш мумкин. “Ҳар қандай шахс сингари, маҳкум ҳам атроф муҳит билан кўринмас ришталар воситасида боғланган табиатнинг бир бўлагидир. Унинг ўзгаришлари ёки хусусиятлари нафақат инсон

---

<sup>16</sup> Ной И.С. Теоретические вопросы лишения свободы. – Саратов, 1995.

<sup>17</sup> Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. – М., 2005. – С. 21–22.

организмига, балки унинг руҳияти ва хулқ-атвориға ҳам таъсир кўрсатиши мумкин”<sup>18</sup>деб таъкидлайди Ф.Р.Сундуоров.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ шароитларида пенитенциар тизимга хос бўлган криминоген омиллар: “авторитетлар” (лидерлик мавқеиға эга бўлган шахслар)нинг маҳкумлар асосий оммасиға салбий таъсири; жиноятчилар дунёсининг жазони ўташ ҳудудларига кўчириладиган ёзилмаган қоидалари, алоҳида субмаданиятнинг мавжудлиги айниқса жиддий хавфни туғдиради<sup>19</sup>. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, маҳкумлар, одатда, ноқулай ижтимоийлашув шароитлари билан белгиланган турли хил даражадаги шахсий деформацияланиш билан тавсифланади. Озодликдан маҳрум этиш жойлари, маълумки, “жиноятчилик маданияти”ни тарқатувчи ўчоқлари ҳисобланади, жиний унсурлар ундан ўз сафларига аксилижтимоий мақсадлари барқарор бўлган янги шахсларни жалб этиш учун фойдаланади.

Шундай қилиб, жамиятдан ажратиш озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсни “жиноятчилик маданияти” таъсиридан, балки жиноят-ижроия тизими муассасаларида соғлиқни сақлашни ташкил этиш муаммоларидан, ушбу жазони ўташнинг психологик ва ижтимоий оқибатларидан ҳам лозим даражада асраш имконини бермайди. Бинобарин, озодликдан маҳрум қилиш ҳар доим ҳам жиноят қонунчилиги сиёсати вазифалари ҳал этилишига эришишнинг зарурий ва мақбул омили ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, собиқ маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг қайтадан ижтимоийлашуви даражасининг пастлиги ҳамжиддий муаммо ҳисобланади. Ўзи кўниккан муҳитдан ажратилган, ижтимоий алоқалари ва кўникмаларининг маълум бир қисмидан маҳрум бўлган бу шахслар озодликка чиққач, жамият аъзоларининг ётсираб қарашига дуч келадилар, сабаби судланганлик ҳолати ҳали-ҳануз оғир

---

<sup>18</sup> Сундуоров Ф.Р. Социально-психологические и правовые аспекты исправления и перевоспитания правонарушителей. – Казань, 1996. – С. 30.

<sup>19</sup> Андреев Н.А. Социология исполнения уголовных наказаний. – М., 2001. – С. 97–108.

тамға вазифасини бажаришда давом этиб келмоқда ва мазкур ҳолат тугаллангани ёки олиб ташланганига қарамай, бутун умр сақланиб қолади. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, бундай тамғани инсонга айнан озодликдан маҳрум этиш ва кейинчалик уни ўташ босади. Бошқа турдаги жазоларга жамият бу даражада салбий кўз билан қарамайди.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазо жиноят содир этган одам ўз шахсий озодлигини ҳамма нарсадан устун кўяди ва озодликдан маҳрум қилиш жойларига тушиш таҳдиди жиноятчиликни тийиб турувчи омил ҳисобланади, - деган презумпцияга асосланади. Амалда эса озодликдан маҳрум қилишнинг бундай тийиб турувчи самараси кўзга кам ташланади. Боз устига, тажриба озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этган шахсларга ҳам, жамиятга ҳам кучли таъсир кўрсатишини ошкор этади. Маҳкумлар учун озодликдан маҳрум қилиш жойлари ўзига хос “жиноятчилик мактаби”га айланади, озодликка чиққандан кейин реабилитация қилиш ва мослашиш тизимида мавжуд нуқсонлар ҳам жамиятга қайтишга кўмаклашмайди.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, улар жиноят билан етказилган моддий зарарни қоплаш учун имконият яратади. Умуман олганда, жиноят билан етказилган моддий зарарнинг қопланишини мажбурий таъминлаш ҳар қандай ҳолатда жазога хос<sup>20</sup>. Бироқ, уларни амалга оширишнинг самарадорлиги даражаси бир хил эмас. Озодликдан маҳрум этишга татбиқан бундай имкониятлар фақат мажбурий ва одатда малакасиз меҳнат билан чекланади. Боз устига, жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти иқтисодий сабабларга кўра бундай меҳнатни ташкил этиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди.

Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар деганда, жиноятни содир этишда айбдор шахсга мажбурий таъсир кўрсатишдан иборат

---

<sup>20</sup> Чучаев А.И., Абдрахманова Е.Р. Лишение свободы и проблемы его реализации. – Ульяновск, 1996. – С. 25

бўлган, жамиятдан ажратишни назарда тутмайдиган, лекин қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ уни мос келадиган бошқа жазо билан алмаштиришга қаратилган, ижтимоий адолатни тиклаш, маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш умумий ва махсус чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадларини кўзлайдиган давлат мажбурулови чораларини тушуниш лозим”.

### Фойдаланилган адабиётлар ва бошқа манбалар:

1. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Турон-икбол, 2005. – Б. 6.
2. Дворянсков И.В., Сергеева В.В., Баталин Д.Е. Применение альтернативных наказаний в Западной Европе, США и России: сравнительно-правовое исследование. – М., 2004. – С. 10.
3. Фалсафа: энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 203
4. Cisse A. *Justicetransactionnelleetjusticepenale* // *Revedesciencecriminelleetdedroitpenalcompare*, 2001. №3. – P. 511.
5. Рустамбоев М.Ҳ., Абдурасулова Қ.Р, Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ
6. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент:
7. Фозилов Д., Қурбонов О. Жиноят ҳуқуқида жазо тизимини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – Б. 15.

8. Кароли Барт. Альтернативны меры уголовного наказания. // Альтернативы тюремному заключению в Республике Казахстан: Материалы международной конференции.
  9. Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. – М., 2005. – С. 17.
  10. Сесар К. Карательное отношение общества: реальность и миф. // Правоведение. 1998. № 4. – С. 171
  11. Kalmhout A.M., Tak P.J.P. Sanctionis-System in the member-states of the Council of Europe. Part I. 1988. – P. 2.
  12. Криминология. Под ред. А.И. Долговой. – М., 1997. – С. 735.
  13. Андреев А.В. Критерии, показатели и условия эффективности применения санкций. // Проблемы совершенствования исполнения уголовных наказаний. – Рязань, 1993. – С. 169.
  14. Носкова Н.А. Общественное мнение и эффективность мер воздействия, предусмотренных уголовным законодательством. // Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1998. – С. 125
  15. Стручков Н.А. Уголовная ответственность и ее реализация в борьбе с преступностью. – Саратов, 1998. – С. 59.
  16. Ной И.С. Теоретические вопросы лишения свободы. – Саратов, 1995
  17. Дворянсков И.В. Эффективность альтернативных наказаний. – М., 2005. – С. 21–22.
  18. Сундуrow Ф.Р. Социально-психологические и правовые аспекты исправления и перевоспитания правонарушителей. – Казань, 1996. – С. 30.
  19. Андреев Н.А. Социология исполнения уголовных наказаний. – М., 2001. – С. 97–108.
- Чучаев А.И., Абдрахманова Е.Р. Лишение свободы и проблемы его реализации. – Ульяновск, 1996. – С. 25